**Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш**

**ШАРТНОМАСИ**

2022 йил "05" 01 5-21/834 сон Навоий ш.

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи СТФ департамент НВХБ
(Истеъмолчи номи)
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Е.Бобожонов бир томондан ҳамда Низом ва 2022 йил "5" январда берилган **03-19-05/35**–сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи **"Ҳудудгазтаъминот" АЖ "Ҳудудгаз Навоий" газтаъминоти филиали** (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари в.в.б Н.С.Ғаффаров иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 0,3 куб.м, нархи 198,0 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| I чорак | 0,3 | мингкуб.м, | январь | 0,1 | февраль | 0,1 | март | 0,1 |
| II чорак | ______ | мингкуб.м, | апрель | ______ | май | ______ | июнь | ______ |
| III чорак | ______ | минг куб.м, | июль | ______ | август | ______ | сентябрь | ______ |
| IV чорак | ______ | мингкуб.м, | октябрь | ______ | ноябрь | ______ | декабрь | ______ |

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20__йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми ____________ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини ташкил қилади:

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| I чорак | ______ | мингкуб.м, | январь | ______ | февраль | ______ | март | ______ |
| II чорак | ______ | мингкуб.м, | апрель | ______ | май | ______ | июнь | ______ |
| III чорак | ______ | минг куб.м, | июль | ______ | август | ______ | сентябрь | ______ |
| IV чорак | ______ | мингкуб.м, | октябрь | ______ | ноябрь | ______ | декабрь | ______ |

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун